



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 январ, жума №3 (1220)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов номига Янги, 2002 йилнинг кириб келиши муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан...

Канада Бош вазири Ж.КРЕТБЕН, Канада Генерал-губернатори А.КЛАРКСОН, Исроил Давлати Бош вазири Ариэль ШАРОН...


Халқаро лойиҳалар ишламоқда БИЗНЕС ИНКУБАТОР фойдаси ниманда?

Қашқадарё вилоятидаги «Уфқ» бизнес инкубатори ташкил этилганига беш йилдан ошди.

Унинг вазифаси кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларни раҳбарларнинг илмий ва амалий билим даражасини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат.

лаб турибди. Ҳар бешта хўжаликка биттадан юқори малакали ментор бирктирилган бўлиб, айна пайтда улар фермер хўжаликларига аъзоларига нафакат назарий, балки амалий жиҳатдан ёрдам бериб, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишда бевосита кўмаклашмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).



(ЎЗА).

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлганидек, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида ҳам Янги йил байрами кизгин нишонланди.

КАТТА АРЧА АТРОФИДА

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан таклиф этилган 700 нафар етим ва ногирон болаларга мамлакатимиз Президенти номидан байрам совғалари топширилди.

(ЎЗА).



Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти аҳоли талаб ва эҳтиёжлари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Суратларда: корхона цехларининг бирида; касоба уюшма кўмитасининг раиси Хамида Абдусатторова ишчиларни қутламоқда.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

«БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ»ДА ТАНТАНА

Юртимизда Янги йил шодиёналари давом этмоқда. Тошкентдаги SOS-«Болалар маҳалласи»да байрам айниқса завқли ўтди.

Маълумки, ўтган йили пойтахтимизда ўн тўртта оилавий уйдан иборат ушбу илк «Болалар маҳалласи» Президентимиз Ислол Каримов ташаббуси билан Австриянинг «SOS-Kinderdorf International» носисеий, нотижорий халқаро хайрия ташкилоти ҳамкорлигида бунёд этилганди.

Анъанага кўра тadbирда кичкинтойларга мамлакатимиз Президенти номидан совғалар улашилди.

(ЎЗА).

ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД БОЙЛИК

Ромитан туманида 20 та хўжалик негизда 650 та фермер, 170 та деҳқон хўжалиги жамоаларини шакллантириш, уларни оёққа турғизиш осон кечмади.

Уларнинг банкротда ўз ҳисоб рақамлари бор. Тайёрлов идоралари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ваколатига ҳам эгалар. Тугатилаётган хўжаликлар худудида омилкорларга қўлайлик яратиш мақсадида туман «Пахтабанк» бўлимининг 3 та шохбосчаси — минибанклар фаолияти йўлга қўйилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида сарф-харажатларни камайтириш гоётада муҳим аҳамиятга эга.

ёқилгиси ва мойлаш материаллари сарфланган эди. 2001 йилнинг шу мuddатида мазкур хўжаликлар ўрнида ташкил этилган фермер жамоалари худди шу ишни бажариш учун 1877 тонна дизел ёқилгиси ва мойлаш материаллари ишлатдилар.

Худди шундай ҳолатни бензин сарфидида ҳам кўриш мумкин. Фермерлар сўнгги ўн бир ойда 24 миллион сўмлик ёнилги тежаб қолдилар. Иқтисод қилиб қолинган маҳсулот қиймати 78,5 миллион сўмни ташкил этди.

Усмон НАВРҮЗ, «Ишонч» мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЕВРОНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМИ ...ЯНА ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЎЗГАРДИ

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб Оврўпонинг қатор мамлакатларида янги пул бирлиги — Евро муомалага киритилди.

Аргентинада вужудга келган сиёсий ва иқтисодий инқироздан кейинги ўтган 12 кун ичида бешинчи бор давлат раҳбари ўзгарди.

КҮП НАРСА МУЗОКАРАЛАР

НАТИЖАСИГА БОҒЛИК

Маълумки, ўтган йил 13 декабрда Хиндистон парламентида қилинган хуруждан сўнг Хиндистон билан Покистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар ўта қалти тус ола бошлади.

Шу орада Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг яқин кунларда Хиндистон ҳамда Покистонга ташриф буюриши эълон қилинди.

КҮНГИЛ КҮЧАЛАРИ

Элтон Жон Американинг машҳур мусиқачиларидан бири ҳисобланади. Унинг ер кўрсати турли минтақаларида бешта хашаматли уйи бор.

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Кишки мавсум олдида «Анджон-газтаъминот» шўъба корхонасининг янги раҳбарлари маҳаллий радио, телевидение ва матбуот орқали чиқишлар қилиб, етарли миқдорда газ бўлишини таъкидладилар.

Лекин, бунга ишонмаганлар ҳам бўлди. Боиси, мутасаддилар қатор йиллардан буён ваддани қуюқ қилиб, долзарб муаммонини ҳал этмай келишарди.

Вилоятнинг айрим жойларида газ таъминотининг етарли эмаслигига сабаб шукки, — деб таъкидлашади мутасадди раҳбарлар, — истеъмолчилар томонидан фойдаланилган табиий газ учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаяпти.

Ҳақли эътироз. Бебаҳо ёнилғидан фойдаланса, ҳақини тўлашни унутсак... Вилоят ҳокимлиги долзарб масалага эътиборни қаратиб, тегишли идоралар ёрдамида истеъмол-

гача ишга туширилгани йўқ. Шўш, бу йил ҳам эски манзара давом этадики, деган савол кўпчиликни ўйлантирмоқда.

ГАЗ, ГАЗ ДЕЙМИЗ-У ҲАҚИНИ ТўЛАШНИ УНУТАМИЗ

чилардан каттагина миқдорда пул ундирди. Бозор устига, ўзбошимчилик билан ўз иссиқхоналарига газ улаб олган хонадонлардан 980 таси газ тармоғидан узиб қўйилди.

Бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Кўмакай газ тақсимлаш шохбосчасининг қуввати шаҳар худудини «зангори олов» билан таъминлашга етмайди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЮКЛАРИ ТўХТАМАЯПТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат дастурига биноан Термиз-Хайратон кўприги ва дарё порти орқали қўшни афгон халқига юборилаётган инсонпарварлик юклари байрам кунлари ҳам белгиланган жадвалга мувофиқ ўтказиб турилди.

Худди шу кунни Амударё устидаги кўприкдан 10 та вагонда бугдой ва бошқа озиқ-овқат юклари ўтказилди. Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатила бошлангандан буён Термиз дарё порти ва темир йўл ҳамда автомобиль транспорти катнайдиган кўприк орқали жами 12 минг 404 тоннадан кўпроқ юк Хайратон портига етказиб берилди.

(ЎЗА).

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.





ДУШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ - маркет.
8.50 «Ўзбектефилем» намойиши...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот курсативи.
17.15 «Қалб қанотлари». Серилал.
18.00 «Вести».
18.20 «ТВ-4да Немис тулкини».
18.50 «Каменская». Серилал.

ЧОРШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектефилем» намойиши...

ПАЙШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Соз сеҳри».
9.15, 12.20 ТВ метео.

ЖУМА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефилем» намойиши...

ШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектефилем» намойиши...

ЯКШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 ТВ метео.
9.10 «Фаройибот».
9.30 «Шумтакалар». Мультисерилал.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ТОҒЛАР

бир-бирига суяниб юксалади

Барно ая ва Хўжа отанинг файзли, фариштали хонадонига кадам кўйarkanman, кўнглимни қандайдир ширин хаяжон чулғади. Беш ўғил, тўрт қиз тарбиялаб элга қўшган хонадон соҳибаси Барно ая бизни очик чехра билан қутиб олади. Улғурлик, айни пайтда ширинсуханлик Барно аяни бизга яқинлаштиради, самимиятидан орадаги бегоналик чекиниб, дилларнинг кўли очилади. Дарвозахонадан ўтиб, кенг ховлига чиқамиз. Ховлининг юқорисига катта ўғилнинг дангиллама ўйи, 25 сотихли ховлининг ўртаси томорқа. Бир томонда бугдой, иккинчи томонда исмалик, иссиқхонада помидор, қарам барқ уриб ўсаётди. Кишининг чилласида яшилликка бурканган заминга боқиб хайратимиз ошади. Хонадон соҳибси Хўжа ака қулиб сўз бошлайдилар:

фойда қилдик.

— Президентимизга раҳмат, - дейди Хўжа Нуров. — Кексаларимиз қадрини минг бора ошироқда. Қизил гап демангу, мен ҳар ишни бошлашдан олдин Юртбошимиз билан хаёлан гаплашаман, хаёлан у кишига утуқларимдан сўзлайман, гўё ўзимча маслаҳат оламан.

Пиру бадавлат хонадон соҳибаси қўйарда қўймай меҳмонхонага таклиф қилади. Бир пасда дастурхон анору олмага, нону беҳига, майизу туршақка, ёнғок, бодом, жийда... каби нознеъматга тўлади.

— Дастурхондаги бор неъматларнинг бари томорқамизда етиштирилган, - дея хонадон бекаси улардан татиб кўришга ундайди.

Бирин-кетин куёву келинлар, ўғил-қизлар, неваралар килириб хонадон файзга, қувончга тўлади.

Барно ая Ойгул, Гулсара, Эйтибор, Хонзода, Ойдиной каби бир-биридан сулувлар келинларининг фазилатларини санаб қарчамайди. Ха, келинларнинг бари рўзғор тутушда, оқила-ю барноликда, меҳнатсеварликда қайноналарига тортишган. Улар бугун қайноналаридан олган ўғитни фарзандларига ўргатмоқдалар.

Файзли хонадондан кўнглимиз ёришиб қайтарканмиз. Барно аянинг:

— Нуронийлар иймон кўрғонларидир. Уларни сийлагани Оллоҳ сийлайди, деган сўзлари хаёлимиздан қетмайди. Қарияларни қадрлаш йили мамлакатимизнинг истиқлол йўлини нурга, зиёга тўлдиршга ишонамиз.

Амина ҚОДИРОВА.

— Бизнинг бор-бутимиз ана шу томорқа-ю мол-ҳолнинг кетидан. Ер бебаҳо неъмат. Уни тўйдирсанг, меҳрингни бериб, ишласанггина бағрини очади. Қаранг, мана бу барра пивзлар нечун шунча совуққа чидаб, барқ уриб ўсапти, негаки, бу ерга 10 йилдан бери фақат қўйнинг қийидан соламыз. Биринчидан, бу маҳаллий ўғит ерни кўпчилик, семиртиса, иккинчидан, қиздиради. Бундай заминда ўсган сабзавотлару мевалар алоҳида таъмага ва дориворлик хусусиятига эга. Ишонмасангиз бошқа майдонларга бориб кўринг, ерлар музлаб, берч бўлиб ётибди. Бизнинг томорқамиздаги тупроқ дондор. Қадам қўйсангиз оёғингиз ботади, тупроғи унча-бунча совуққа музламайди. Томорқамда 100 тупга яқин анор, 40 туп ток, 20 дарахт шафтоли, 40 туп ўрик, 20 туп гилос, 12 туп балхи тут, 7 туп шотут, 12 дарахт жийда, 7 туп олхўри, 5 та анжир дарахти, 3 та Чилон жийда, 12 та жийда дарахти бор.

ҳар қарич ердан фойдаланади. Ховлининг тўрт томонига айлана терак ўтказилган токлар сўри қилиб ховлидаги йўлақларга чиқарилган.

— Ёзда бу ерлар жаннатни эслатади, - дейди Барно ая. - Йилга узуму майиздан қанчадан-қанча даромад қиламиз. Эрта баҳоргача яна хонадонимиздан узум ариламиз.

Бекасининг суҳбатини Хўжа ака давом эттиради. — Томорқамизда 10 туп ўриги бўлган киши, ҳеч қачон оч қолмайди. Биз эртапишар ўрикларни сотиб, қанча даромад оламиз. Ҳатто данагининг ўзидан қанча фойда кўрамиз. Яна қоп-қоплаб туршак сотамиз. Ўрик данагини мағзидан жувозда ёғ тортирамиз. Бу ёғни емасиз, дунёга келмабсиз.

— Хуллас, йил - ўн икки ой ўзимиз ҳам тинмаймиз, бола-чақаларимиз ҳам. Шунинг учун биз пулни эмас, пул бизни излаб келади. Бозордан, дўкондан гугурту туздан бошқа ҳеч нарса сотиб олмағимиз, - дейди онахон.

— Сизга ёлгон, худа роғи рост, 5 туп анжир, 20 туп гилосдан еган-ичганимиздан ташқари 100 минг сўм

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Мамлакатимизда оммавий ватанпарварлик ойлги қизгин давом этипти.

Тадбир доирасида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорликда ўқув муассасалари ва ҳарбий қисмларда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Аждодлар қахрамонлиги ёшларга ибрат», «Мамла-

ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

«Шарҳ», «Дайжест», «Маълумотлар банки», «Электрон ўқув адабиёти» деган сўз ва иборалар узлуксиз таълим жараёнида тез-тез тилга олинмаган бўлиб қолди.

Масаланинг муҳимлиги инобатга олиниб, республикамизда «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазибаларига асосланган ҳолда босмага тайёрланадиган янги ўқув адабиётлари орасида дарсликлар билан бир қаторда электрон ўқув адабиётлари, изоҳли лугат, маълумотлар тўплами, шарҳ, дайжест каби нашрлар ҳам бўлади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўрнатилган тартибда ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Савдолар 2002 йил 10, 17 январ кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносидан ўтказилади.

Шарҳ: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Кибрай» кўرғонига жойлашган «Хосилот» дам олиш маскани. Бошланғич баҳоси — 33883500 сўм

Ўрнатилган тартибда ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Ишончнингизни бой берманг! Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75 Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остону, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net



Ўлкамизда Янги йил тантаналари давом этмоқда. Гузур туманидаги «Олмагон» болалар богчасида ҳам бугун ўзгача кайфият ҳукм сурмоқда. 140 нафар кичкинтой тарбияланаётган ушбу богча жамоаси турли эртак қаҳрамонларини акс эттирувчи ли-



Суратларда: богчадаги Янги йил эрталигидан лавҳалар. Ш.СУЛТОН олган суратлар.

ЁШ ИНФОРМАТИКЛАР АНЖУМАНИ

Самарқанддаги Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-хунар коллежида Ўзбекистон ёш информатикларининг биринчи республика анжумани бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари ўқув компьютер дастурлари, интернет сайтлари, компьютер графикаси ва мультимедияси, информатика, амалий дастурлар, кийборнинг, оригинал жанр бўйича ўз билимларини намойиш қилишди. Самарқанд, Тошкент, Бухоро билим юртлари талабалари юқори натижалар кўрсатишди. Беллашувларда умумтаълим мактаблари вилоят фан олимпиадаси голибларининг ҳам қатнашгани анжуман аҳамиятини янада оширди.

Информатика соҳасида иқтидорли 150 нафар ёш юртдошларимиз анжуман кунларида республикамизнинг етакчи мутахассис олимлари билан мулоқот қилишди. Хусусан, академиклар М.Комилов, Ф.Абуталиев, Т.Бекмуродовларнинг эътибори ёш информатикларни жалб этди. Мазкур анжуман чинакам фан байрамга айланиб кетди.

Х.НАСИМОВ.

Қасаба уюшма тадбири

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгашида тармоқ қасаба уюшмалари шахар кўмиталари раислари, раёсат аъзолари иштирокида дондор спортчилар ҳамда уларнинг устозларини қадрлаш юзасидан тадбир бўлиб ўтди.

ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ

Юнон-рум кураши бўйича 2000 йилдаги Сидней олимпиадаси ўйинлари иштирокчиси, 2001 йилда ўтказилган жаҳон биринчилиги голиби Дилшод Орипов, Сидней олимпиадаси ўйинлари қатнашчиси, Осиё чемпиони енгил атлетикачи Замира Амирова, сув спорти турлари бўйича Сидней олимпиадаси иштирокчиси Дмитрий Цукарев, бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Рита Алимова каби истеъдод эгаларига Кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.

Спортчиларнинг қамол топишида шубҳасиз мураббийларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бундан 30 йил аввал юнон-рум кураши бўйича республикамиз вакили Рустам Қазақов жаҳон биринчилиги голиби бўлган эди. Эгаллаш мушкул бўлиб кўринган бу чўққини Дилшод Орипов забт этиб, юртимиз истеъдодларга

Олимпиада беллашувлари, жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритилган ютуқлар, шубҳасиз, мамлакатимизда иқтидорли спортчиларни тарбиялашга бўлган юксак эътибор, чунончи, ёшлар ўртасида спорт оммавийлигига эришиш мақсадида амалга оширилган кенг қўламадаги ишлар самарасидир. Билнобарин, сўнгги йилларда мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида «Олимпиада умидлари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ҳамда «Футболмиз келажак» каби мусобақалар туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида катта кўтаринкилик билан ўтказилдики, бу мамлакатимиз ёшлари томонидан зўр қизиқиш, катта хайрихоҳлик билан қарши олинди.

Дўст ачитиб гапиради

бироз жавоб берса керак...

Мусобақа бош ҳақами бизнингча, ўзи айтганидек, «бироз» андиша қилди, шекилли. Бўлмаса бор ҳақиқатни айтган бўларди. Чунки, спорт зали ҳеч ҳам талабга жавоб бермайди. Биронта синмаган дераза ой-

бир мактабнинг имконияти чекланган. Бирок, юқори ташкилотдагилар-чи? Спорт формалари ўрнига иссиқ кийимларга ўраниб олган иштирокчилар билдирган фикрлар ҳаммасидан ошиб тушди.

— Сарийосиё туман-

Айни пайтда мазкур мусобақалар, хусусан, мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» беллашувларининг босқич баҳслари бўлиб ўтмоқда. Хўш, барча жойларда мусобақалар кўнгилдагидек ташкиллаштириляптими? Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида бўлганимизда, афсуски, бу саволга ижобий жавоб тополмадик.

Маълум бўлишича, туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар спорт заллари ҳамда бошқа спорт иншоотларида мазкур мусобақаларнинг худудий босқич беллашувлари ўтказилаётган экан. Жумладан, мусобақа дастуридан ўрин олган баскетбол беллашувлари туман марказидаги Х.Бегматов номили 1-мактаб спорт залига ташкиллаштирилибди. Афсуски, қизиқарли ўйинларни кузатиш мақсадида мактабга бориб, бутунлай аксинча ҳолатга дуч келдик. Зал совуқлигидан иссиқ кийимларга ўраниб олган мусобақа бош ҳақами, 36-мактаб жисмоний

МЕНДАН КЕТГУНЧА ЭҒАСИГА ЕТГУНЧАМИ



тарбия ўқитувчиси Комил Номозовни суҳбатга тортамыз.

— Вилоят «Умид ниҳоллари» 4-худудий босқич ўйинларида Қумқўрғон, Шўрчи, Бандихон ва Сарийосиё туманларининг 5-7 синф ўқувчиларидан ташкил толган жамоалар баҳс олиб боришмоқда, - дейди у мусобақа шартлари билан таништириб.

— Шундай нуфуздаги мусобақа ўтаётган спорт зали аҳволига нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим. Менимча, зал талабга

наси йўқ, эшик ва пол тахталари чириш арафасида. Дарвоқе, худудий миқёсдаги мусобақани ўтказиш учун мактаб ҳовлисига кириверишда илинган шиорни истисно қилганда, ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмаган. Бунинг сабабини сўраб мактаб раҳбариятига мурожаат қилганимизда «Ўзимиз ҳам мусобақа шундай аҳволда ўтаётганидан хижолатдамиз» дейишди. Тўғри, туманлар миқёсидаги мусобақани юқори савияда ўтказишда оддий

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан «0005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланилган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотуvida эркин нархда.

«Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.